

“ТАСАВУФ” ОСМОНИДА ПОРЛАГАН ЮЛДУЗ

**(Буюк устоз, профессор Нажмиддин Комиловнинг порлоқ хотираларига
бағишиланади)**

Аслида бирор буюк шахс ҳақида гапирмоқ истасак, у шахснинг буюклиги салобатидан фикр дарёсида оқаётган сўз тошқинлаб, жўшқинлаб кетиб, ўзанини бир зум йўқотиб қўяди. Чунки бу салобат таъсиридан буюклиknинг қай биридан гап бошлишга сўз ожиз. Гап ўзбек тасаввуфшунос, адабиётшунос, навоийшшунос, таржимашунос олим, таржимон, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов ҳақида.

Бу олим ҳақида гап кетганда аввало унинг камтарин, бағрикенг, меҳрибон ва катта сабр эгаси бўлган шахс қўз олдимида гавдаланади. Чунки, ҳаёти давомида Ўзбек совет энциклопедияси Бош таҳририятида катта муҳаррир, ТошДУда катта ўқитувчи, Тошкент шарқшунослик институти кафедра мудири, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида консультант, Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори, Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссияси раиси, ҳамда 2001-йилдан то умрининг охиригача Давлат ва жамият қурилиш академиясида диншунослик кафедраси мудири лавозимларида фаолият юритган устоз Н. Комилов бутун умрини ҳалоллик ва камтарлик устида қурган эди. Шу боис олим омма ва афкор омма орасида жуда катта ҳурмат ва эхътибор топди.

1970 йилда Файбулла Саломов илмий раҳбарлигига”Муҳаммадизо Оғаҳийнинг таржимонлик маҳорати” мавзусида номзодлик, 1988 йилда эса, ”Хоразм таржима мактаби (XIX аср таржима тарихини типологик ва қиёсий тадқиқ этиш муаммолари)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган олим Нажмиддин Комилов дастлаб таржима ва қиёсий адабиётшунослик, таржима тарихининг назарий масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борди. Матншунослик ва адабий жанрлар тараққиёти билан боғлиқ масалаларни ўрганди. Кейинги йилларда унинг илмий фаолияти тасаввуф тарихи, асосий йўналишлари, тариқат, шариат, ҳақиқат тушунчалари билан боғланиб, шу йўналишда у Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Ибн Арабий, Насафий, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари моҳиятини очиб берди.

У Хоразм таржима мактабини, хусусан, Оғаҳийнинг таржимонлик маҳоратини, Шарқ мумтоз адабиёти ва тасаввуф масалаларини тадқиқ этаркан, уч юздан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар яратди. Қариб 40 йил давомида олий ўкув юртлари талабаларига таржима тарихи, таржима назарияси ва амалиёти, ўзбек мумтоз адабиёти, тасаввуф таълимоти, унинг фалсафий асослари фанларидан сабоқ берди. Устоз Н.Комилов илмий раҳбарлигига йигирмага яқин киши фан докторлик ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Ўз илмий фаолияти давомида “Ибн Сино ва Данте” (1983), “Бу қадимий санъат (1985), “Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар” (1994), “Нажмиддин Кубро” (1995), “Тавҳид асрори” (1999), “Тафаккур карвонлари” (1999), “Ислом – маърифат дини” (2000), “Фақр нури порлаган қалб” (2001), ”Комил инсон миллат келажаги” (2001), “Хизр чашмаси” (2006), “Тасаввуф” (2009) , “Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари” (2010), “Маънолар оламига сафар” (2012) номли китоблар таълиф этиб, ўзидан катта илмий мерос қолдирди. Бу катта юрак эгаси бўлган заҳматкаш олим 1998 йили **”Мехнат шұхрати”** ордени билан мукофотланди.

Олимнинг сафдошларидан бири навоийшунос олима С.Ганиева Н.Комиловнинг вафотидан кейин қуидаги сўзлар билан эслаган: “Нажмиддин Комилов жуда катта олим, тасаввуф билимдони, ўзбек мумтоз адабиётининг ҳам насли ва ҳам назмини яхши билган улкан олим эди. Талабалар унинг маъруzasидан ҳам руҳий, ҳам маънавий озуқа олишарди ”. С.Ганиева фикрича, олим нафақат таниқли, балки катта қалбли инсон эди.

Дарҳақиқат, устознинг дарсига маъруза тинглаш учун биз шогирдлар муддатидан илгари келиб ўтирас эдик. Шундай талабалардан бири, барчадан илгари дарс залига бориб, устоз Н.Комилов келишларини кутиб турадиган, таниқли журналист Қ.Бобожон устозни ёшларга эркин фикрлашни ўргатарди, деб эслайди. Ҳа, домла ўзининг эркин фикрлари билан бошқалардан ажралиб турарди.

Н.Комилов шогирдларидан яна бири таниқли адаб Улуғбек Ҳамдам: ”Агар адабиётда бир нима ўрганган бўлсан, бунинг учун устоз Н.Комиловга бурчлиман”, деган.

Ёзувчи Аҳмад Аъзам Н.Комиловнинг инсоний қадриятлари борасида: “Нажмиддин Комилов буюк инсон, катта олим бўлишига қарамай, жуда камтар ва олижаноб инсон эдилар. Бирор ёрдам сўраб борса, ҳеч қачон йўқ демаганлар. Ҳамиша халқ дардини тинглай оладиган ва унга кўлдан келгунча ёрдам кўлини чўза оладиган бағрикенг инсон эдилар”, деб эслайди.

Устознинг яқин дўстларидан бири, курсдош, маслақдош навоийшунос олим, профессор Р.Воҳидов у киши ҳақида: “У ўта меҳнаткаш, тиниб- тинчимас ва ўзига ярашиқли хокисор инсон. Унинг барча ютуқлари омили ана шу нуктада десам, сира - сира янглишмайман. Илоҳий иноят, инсоний саъю ҳаракат бир ўзанга бирлашган жойдагина баракот ва муродга эришмоғи мумкин. Нажмиддиннинг босиб ўтган ибратли, мазмунли умр йўли бунга ёрқин мисолдир”.

Дарҳақиқат, устоз Нажмиддин Комилов икки тил, икки халқ, икки адабиётни тенг кўрадиган, икки кафтида тутиб эъзозлайдиган олим эди. Бунинг ёрқин мисолини Фаридиддин Атторнинг «Илоҳийнома», Султон Валаднинг «Маориф», Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақоийқ» ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи сultonий» ва яна кўплаб асарларни форс тожик - тилидан ўзбекчага маҳорат билан таржима қилганида кўриш мумкин. Бундай улуғ ишларни амалга ошириш учун эса катта илм соҳиби бўлиш керак. Катта илм соҳиби бўлиш учун катта устозлардан сабоқ олиш лозимлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Нажмиддин Комилов учун бу борада катта маънавий хазина бўлган буюк устоз Кутбиддин эшон Мухиддинов эдилар. Илоҳиёт, араб, форс тилларининг катта билимдони бўлган Қ. Мухиддинов ўтган асрнинг 65 йилларидан бошлаб Нажмиддин Комиловга пиру устозлик қила бошладилар. Натижада Н.Комиловнинг у шахс билан пиру муридлик муносабатлари ўта мазмунли ва сермаҳсул бўлди. Домланинг Қ.Мухиддиновдан олган сабоғи ҳамда ёшлиқдан Куръони каримни яхши билгани самараси ўлароқ келгусида ҳар қандай олимнинг тафаккурига сиға олмайдиган тасаввуф сирлари, унинг мантиқ моҳияти, руҳий оламини очувчи асарлари дунё юзини кўрди. Бу асарлар нафақат ўзбек адабиёти учун улкан ходиса эди, балки хорижлик олимларни ҳам қизиқтириб қўйди. Устознинг тасаввуф ҳақидаги китоблари борасида Ғарб олимларидан Гумболд универсиети профессори, германиялик И. Болдав фикрини келтирамиз: “Олим Н.Комилов

асарлари борасида фикр юритмоқчи бўлсак, тасаввуфни ҳеч бўлмаганда Н.Комилов даражасида билиш керак”, деган.

Адабиётшунос, тасаввуфшунос олим И.Хаққул: ”Бунақа олим яна қачон дунёга келади. Дунёга келадими, йўқми, бу ҳам бир муаммо. Н.Комиловдай билағон олимлар ўзбек халқи учун сув ва ҳаводек зарур эди. Афсуски, бундай инсонлар кундан - кунга камайиб кетяпти”.

Н.Комилов билан бир сұхбатда олим дейди: “Инсон жамият ичида экан, у хилватда яшай олмайди, у инсонлар билан бирга бўлиши зарур, чунки, ақлдан - ақл озуқа олади, руҳдан - руҳ озиқ олади”. Ва яна Жалолиддин Румий асарлари ҳақида: “Дунёни англаш - илоҳни англаш, ўзликни англаш, ўзликни англаш орқали миллатни англаш, тарихни англаш, умуман, атроф-муҳит моҳиятини англашда ва натижада инсонни камолотга етказишида жуда катта маънавий ҳазина бу – Румий асарларидир”.

Устоз Нажмиддин домла Комилов хаёт бўлганларида бу йил 5 октябрда 86 ёшни қарши олган бўлардилар. Илм йўлида захматкаш олим, камсуқум ва самимий бу инсонга шогирд бўлганимиздан ҳамда у кишидан бутун умр миннатдор қалблардан бири эканлигимиздан фахрланиб яшаймиз. Биз шогирдлар устозимиз руҳларини шод этишга, берган илмлари, оталарча қилган насиҳатларини ҳамиша ёдга сақлагумиз. Устознинг ётган жойлари обод, руҳлари шод бўлишини Аллоҳдан сўраймиз.

Ай, дил, кўзингни оч, жаҳон ўтгусидир,

Умринг бу жаҳонда райгон ўтгусидир.

Тан манзилида маҳбусу ғофил қолма,

Манзил оша манзил карвон ўтгусидир.

(Жалолиддин Румий)

Астанова Гулнора Аминовна,

БухДУ ўзбек тилшунослиги ва журналистика

кафедраси профессори, шарқшунос.